

**АНДИЖОН ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ЗАМОНАВИЙ  
МЕНЕЖМЕНТНИНГ  
ДОЛЗАРБ  
МАСАЛАЛАРИ”**

мавзусидаги Республика  
илмий-амалий анжумани  
илмий мақолалар ва  
материаллари түплами

сборник научных  
статьй и материалов  
республиканской  
научно-практической  
конференции по теме  
**«АКТУАЛЬНЫЕ  
ВОПРОСЫ  
СОВРЕМЕННОГО  
МЕНЕДЖМЕНТА»**

**15 май 2019**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ЗАМОНАВИЙ МЕНЕЖМЕНТНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”**  
*мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуумани илмий мақолалар ва  
материаллари түплами*

***2019 йил 15 май***

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО  
ОБРАЗОВНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**  
*сборник научных статей и материалов республиканской научно-  
практической конференции по теме*  
**«АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВРЕМЕННОГО МЕНЕДЖМЕНТА»**

***15 мая 2019 года***

**АНДИЖОН – 2019**

**УДК: 348(571.1)**

**ББК:69.405**

**“Замонавий менежментнинг долзарб масалалари”** Республика илмий-амалий анжумани илмий мақолалар ва материаллари тўплами. – Андижон. АДУ, 2019.

Мазкур тўпламда мамлакатимиз олимлари ва амалиётчиларининг мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётида менежментнинг замонавий воситаларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишлиланган илмий мақола ва маърузалари умумлаштирилган. Шу билан бирга, тўпламда иқтисодиётнинг реал сектори самарадорлигини оширишда менежментнинг замонавий усулларидан фойдаланиш ва ривожлантиришнинг назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга бўлган таклиф ва тавсиялари баён этилган.

Анжуман материаллари тўплами профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, тадқиқотчилар ва талабалар учун мўлжалланган.

**«Актуальные вопросы современного менеджмента».** Сборник научных статей и материалов республиканской научно-практической конференции. – Андижан. АГУ. 2019

В данном сборнике обобщены научные труды ученых и практиков Узбекистана, посвященные актуальным вопросам образования и развития современных методов менеджмента в социально-экономическом развитии страны. А также рассмотрены и даны теоретические рекомендации и практические предложения по образованию и развитию методов менеджмента в условиях повышения эффективности реального сектора экономики.

Сборник научных трудов рассчитан на профессорско-преподавательский состав, молодых ученых, научных сотрудников и студентов.

**Маъсул муҳаррир** и.ф.д., профессор Қ.Х.Муфтайдинов

**Таҳрир ҳайъати:**

и.ф.н., доц. У.И.Мараимова,  
и.ф.н., доц. Д.Н.Нурматов,  
и.ф.н., доц. И.Ю.Умаров,  
и.ф.н., доц. Ҳ.Кўчқаров,  
и.ф.н., доц. А.Абиткариев  
и.ф.н., доц. М. Юсупова  
к.ўқ. М. Абдуллаев

**Тақризчилар:**

и.ф.д. Н.И.Асқаров,  
и.ф.д. У.М.Мадраҳимов.

*Мазкур тўпламга киритилган материалларнинг мазмуни, ундағи статистик маълумотлар ва меъёрий ҳужжатлар санасининг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг ўзлари маъсулдорлар.*

©Андижон давлат университети, 2019 йил.

## МУНДАРИЖА

Кириш		9
<b>АНЖУМАН ЯЛПИ ЙИҒИЛИШИ МАЪРУЗАЛАРИ</b>		
А.С.Юлдашев	Таълим тизими сифатини таъминлашда хорижий давлатлар тажрибаси (Буюк Британия мисолида)	10
А.М.Қодиров, А.Т.Ахмедиева	Максадли дастурлаш миңтақалар иқтисодиётини бошқаришни тартибга солиш воситаси сифатида	12
А.Т.Тўхтабоев	Миллий иқтисодиёт ривожида етук мутахассис кадрларнинг ўрни	13
Н.М.Махмудов, Ҳ.Ҳ.Ашуррова	Масофавий таълимни ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш асосида “Smart университет”ларни ташкил этиш йўллари	18
Б.Расулов	Хорижий мамлакатларда инновацион фаолият ва унинг интеграциялашувининг аҳамияти	22
Н.М.Расулов	Инновацион иқтисодиётни ривожлантиришда инсон омили	24
<b>1-СЕКЦИЯ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БОШҚАРИШДА МЕНЕЖМЕНТ УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.</b>		
А.Абдуллаев, Б.Абдуллаев, Р.Абдуллаев	Совершенствование управления в системе экологического водопользования на базе цифровых-экономических технологий	27
Н.Р.Кадирходжаева	Корхоналар экспорт салоҳиятини оширишда сифат менежмент тизимининг роли	31
А.Эралиев	Бошқаришнинг янги инсонпарвар парадигма ва концепцияларини яратиш – давр талаби	34
М.Каримов, Ш.Махамаджонов	Саноат тармоқлари менежменти ва уни иқтисодиётнинг барқарор ривожланишидаги аҳамияти	36
А.А.Бадалов, С.А.Исмоилов	ОТМларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш менежменти самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар	39
Н.Х.Халилов, М.И.Мамажонова	Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik subyektlarini boshqaruvida menejmentning o’rnini	44

В.Абдурахмонов, А.Тўйчиев	Инновацион технологиялар ва уларнинг бизнесга тижоратлаштирилишини фаоллаштириш	46
------------------------------	---	----

## **2-СЕКЦИЯ. ТЕЖАМКОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОНЦЕПЦИЯЛАРИНИ ТАДБИҚ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ ТАДҚИҚОТЛАРИ**

З.Т.Тешабоева	Корхоналарда харажатларнинг доимий мониторинги ва таҳлилини йўлга қўйиш орқали уларни оптималлаштириш йўллари	50
М.Юсупова, М.А.Нўмонова	Муқобил энергия манбаларидан фойданиш	52
К.Муфтайдинов	Тўртинчи саноат инқилобига ўтиш шароитида корхоналар бошқаруви самарадорлигини оширишнинг инновацион ёндошувлари	53
А.А.Тилляходжаев	Инновацион маркетинг стратегияларини ишлаб чиқиши бўйича назарий тадқиқотлар ва уларнинг шарҳи	59
и.ф.н. Аъзамов Сулаймон	Инновацион ривожланиш шароитида корхона рақобат стратегиясини ишлаб чиқиши	63

## **3-СЕКЦИЯ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА МЕНЕЖМЕНТ ТИЗИМИНИНГ ЎРНИ**

М.Н.Кутбитдинова	Хизматлар соҳасида самарали бошқарув усулларини жорий қилиш	67
К.Г.Джураева	Миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда ахборот-коммуникация технологияларининг тутган ўрни	69
Б.Каримов, О.Олимов	Миллий иқтисодиётимизни ривожлантиришда туризм соҳаси фаолиятининг ўрни ва роли	70
U.Maraimova O.Marifjon	The perspective of modern management in service industry	76
X.Qo'chqarov, O.Marifjon	Foreign experience in the modern management of service organizations	78
З.Хусanova, М.Мирзаахмедова	Экономическая выгода в развитие химической промышленности Узбекистана	81
Т.Т.Мадумаров	Микромолиявий хизматлар кўрсатишда суммаларни қайтарилмаслик холатига доир келиб чиқаётган жавобгарлик масаласидаги низолар	84

M.Karimov, M.Ostonayev	The role of management in service organization	87
М.Сайдова	Корхоналар ахборот хавфсизлиги муаммолари	89

#### **4-СЕКЦИЯ. ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ**

Т.П.Каримов	Замонавий кадрлар тайёрлашда олий таълим тизимини модернизациялашнинг аҳамияти	92
А.А.Жумабоев	Олий таълим тизимини инновацион ташкил этиш – сифатли кадрлар тайёрлаш асоси	94
Ў.Қ.Убайдуллаев	Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш	95
И.Ю.Умаров, С.А.Умарова	Олий таълим муассасалари бошқарув ва ўқув жараёнига кредит тизимини тадбиқ этиш масалалари	100
M.A.Mirzaabdullaye va	Xalq ta'lifi muassasalarida sifatlari boshqaruvni tashkil etish.	103
М.Н.Пайзиева, И.Б.Хакимова	Ўқувчи ёшларни иқтисодий, психологик билимларини узлуксиз тарзда ривожлантиришда ижтимоий омиллар	106
I.B.Hakimova	Boshqaruv psixologiyasi imkoniyatlari asosida shaxsiy sifatlarni rivojlantirish masalasi	110
S.G.Xasanova	Rahbarlarni psixologik saralash pedagogik-psixologik muammo sifatida	112
M.Sultonov	Oliy ta'lim muassasalarida sifat menejmenti va uning jamiyatdagi o'rni	114
Б.Б.Қодиров	Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда таълим хизматлари бозорининг ўрни	118
С.Г.Хасанова	Рахбарлик сифатлари	123

#### **5-СЕКЦИЯ. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Р.Б Исмоилов, Н.И.Исақова, М.М.Тошпўлатов	Мамлакат қишлоқ хўжалиги тизимида инновацион агросаноат кластерларини ташкил этишнинг назарий масалалари	126
A.F.Tўйчиев	Кичик бизнесга инновациялар трансфери ва уни молиялаштириш тушунчаси, манбалари ва усуллари	130
А.А.Амбарцумян, Р.Б.Айтмуродова	Инновационная основа развития национальной экономики	133
Н.М.Махмудов, Н.И.Рустамов	Миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг самарадорлигини ошириш йўллари	135

Д.Н.Нурматов	Влияние социально-экологических факторов на эффективное управление трудовыми ресурсами	142
Г.А.Алимова	Инновацион сиёсатни такомиллаштиришда молиялаштириш мезанизмининг аҳамияти	144
М.Юсупова, А.И.Усмонов	Озиқ-овқат саноатини инновацион ривожлантиришда узумчилик ва виночиликнинг тутган ўрни ва роли	147
Ғ.У.Рузиев	Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш-да инновацион тадбиркорликнинг ўрни ва уни рағбатлантириш масалалари	151
А.К.Вохидов, З.З.Хайдаров	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда якка тадбиркорлик фаолиятига таъсир этувчи омиллар	153
У.А. Юлдошев, К.И. Акрамов	Мамлакатимиздаги эркин иқтисодий худудлар: дунё тажрибаси, имтиёзлар, муаммо ва камчиликлар	157
М.Г.Абдуллаев	Инновация как фактор повышения конкурентоспособности предприятия	159
X.E.Abdullayeva	Iqtisodiyotni innovatsion rivojlantirishning koreya respublikasi tajribasi	162
Sh.X.Djumabayeva	Agrar sohani rivojlantirishning innovotsion omillari (paxta klasterlar misolida)	164
М.Ф.Махмудов	Мароиқтисодий мувозанат ўзгаришига омиллар таъсирини қиёсий таҳлили	165
B.F. Абдурахмонов	Қишлоқ хўжалик корхоналарида рақобатбардош маҳсулотларни етиштиришда инновацион технологияларнинг аҳамияти	169
З.З.Хайдаров	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда якка тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари	172
M.Abdullayev, M.Ostonayev	Increasing the innovative potential of the national economy	175
В.Г.Абдурахмонов, Ш.Б.Камолов	Инновационно-маркетинговой аспекты развития экономики региона	177
Z.S.Umurzaqova	Ishlab chiqarishni diversifikatsiyalash orqali korxonalar iqtisodiy samaradorligini oshirish masalalari	180
З.Исройлов, Ф.Абдурахимова	Саноат корхоналарида ходимлар салоҳиятининг ўрни	182
М.М. Дадажонова	Инвестиция лойиҳаларида ишлаб чиқариш ва маркетинг харажатлари таҳлили масалалари	184
Г.А.Зуфарова, У.Сайдуллаев	Саноатни ривожлантириш стратегияси	187
Х.Қўчқаров, Х.Бобуржонов	Андижон вилоятида юридик ва жисмоний шахсларга иш ҳақи фондини тўлашни ташкил этилиши	189
Ж.Н.Абдутуропов	Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестициялар	191

И.Ю.Умаров	Озиқ-овқат саноатида тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмларининг ижтимоий-иктисодий моҳияти	193
------------	---	-----

## **6-СЕКЦИЯ. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ПРИНЦИПЛАРИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ**

Г.Ю.Ходжамуратов а	Корпоратив бошқарув хусусиятлари ва тамойиллари	198
М.М.Азларова	Корпоратив бошқарувдазамонавий усуллар ва корпоратив ҳулқ-атвор анъаналари	201
И.К.Яхъяева	Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда корпоратив бошқарув тизимининг ўрни	204
Н.Р.Кадирходжаева	Корпоратив бошқарувнинг ижтимоий-иктисодий моҳияти	207
Г.Ш.Джўраева	Саноат корхоналарида корпоратив бошқарувни такомиллаштириш муаммолари	209
G.Narzullayeva, M.Hamidov	Korxonalar raqobatbardoshligini oshirishda korporativ boshqaruvdan foydalanish	211
У.К.Сотволдиев	Давлатни инвестицион сиёсати–мамлакат худудларини ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг мухим шарти	213

формирования модели инновационного типа развития, основанной на эффективном использовании достижений научно-технического прогресса.

Реализация потенциала республики, достижение поставленных целей в значительной мере будут зависеть от эффективности системы государственной поддержки инновационной деятельности и стимулирования практического внедрения инновационных идей, разработок и технологий в систему управления, различные отрасли экономики.

### **Список использованной литературы**

- 1) Указ Президента Республики Узбекистан “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” № УП-4947 от 07.02.2017 г.
- 2) Указ Президента Республики Узбекистан “Об образовании Министерства инновационного развития Республики Узбекистан” УП-5264 от 29.11.2017 г.
- 3) Указ Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019 - 2021 годы» №УП-5544 от 21.09.2018 г.
- 4) <https://ru.wikipedia.org/wiki>

## **МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Махмудов Носир Махмудович,**

**Рустамов Нарзилло Истамович**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ўзбекистонда кейинги йилларда иқтисодий ислоҳотларни жадаллашибаришга, иқтисодиётда самарали таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали унинг рақобатбардошлигини оширишга кенг эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнларни самарали амалга ошириш учун иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларинг моҳиятини чуқур илмий ўрганиш ва уларни таҳлил қилиш зарур бўлади.

Жаҳон иқтисодиётидаги чуқур таркибий номутаносибликтининг мавжудлиги кўпчилик эксперталар томонидан сўнгги глобал инқирознинг асосий сабабларидан бири сифатида эътироф этилди. Бироқ, олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатади, “таркибий номутаносиблиқ” нафақат сўнгги глобал инқирознинг асосий сабабларидан бири бўлган, балки у ўтган глобал инқирозларнинг ҳам асосий сабабларидан бири сифатида қайд этилган. Хусусан, Г.Меншнинг фикрига кўра, 1971-1974 йилларда Германия Федератив Республикаси иқтисодиётидаги таркибий бекарорлик 1975-1976 йилларда жуда кучли ишлаб чиқариш инқирозини келтириб чиқарган ва бошқа мамлакатларда ҳам мазкур ҳолат кузатилган.

Иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги тўғри мутаносибликтининг мавжуд эмаслиги иқтисодий инқирозларни келтириб чиқарса, мутаносибликтининг бузилишига эса, давлатнинг фискал сиёсати, пул хўжалиги ва банк соҳасидаги

камчиликлари сабаб бўлиши мумкинлиги қайд этилган. Илмий манбаларга кўра, Кондратьев катта цикларининг “дивигател”лари бу - таркибий катта силжишлар ва баҳолар мутаносиблигидаги кескин ўзгаришлар бўлиб, айнан талаб ва таклиф номутаносиблигига давлат бюджетининг камомадлиги, инвестиция ҳажмининг иқтисодиёт имкониятидан ўсиб кетиши, ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлиги ўсишидан иш ҳақининг ўсиши олдин кетиб қолиши, давлат нархларининг турли сабабларга кўра оширилиши оқибатида талаб ҳажми ва тузилмасининг бузилиши каби омиллар олиб келиши мумкинлиги аниқланган.

Бугунги кунда миллий иқтисодиётимизнинг шаклланган тармоқ ва технологик тузилмаларини тадқиқ этиш, мазкур тузилмаларга баҳо беришда шу тузилмалардаги тармоқлар улушининг шаклланиш қонуниятларини аниқлаш республикамиз иқтисодиёти учун ҳам муҳим ўрин тутади ҳамда тармоқлар ўртасида мақбул мутаносибликни шакллантириш миллий иқтисодиётда самарали таркибий сиёsat олиб боришнинг асосий шарти ҳисобланади.

Ҳозирги иқтисодий вазиятда жаҳон бозорларида рақобат шиддат билан кучайиб бораётган бир пайтда миллий иқтисодиётнинг тармоқ ва технологик тузилмаларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, иқтисодиётда чукур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, тармоқларни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттириш масалалари иқтисодий сиёsatимизда тобора муҳим аҳамият касб этиб, бу каби вазифаларни амалга оширишда тузулмавий ўзгаришларни чукур тадқиқ этиш масаласи долзарб илмий муаммо бўлиб қолмоқда.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқсан ҳолда республикамиз иқтисодиётининг тармоқ ва қайта ишловчи саноатининг технологик тузулмаларидаги ўзгаришлар эмпирик тадқиқ этилади ҳамда республика миллий иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар миқдорий жиҳатдан баҳоланади.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш ҳамда таркибий ўзгаришлар борасида жуда кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ва олиб борилмоқда ҳам. Бироқ, шунга қарамасдан таркибий ўзгаришларнинг моҳиятини ёритиб берувчи ва доимий давогарлик қилувчи устун назария ва тарифлар тўлиқ мавжуд эмас. Бу эса, таркибий ўзгаришларни тадқиқ этишини қийинлаштирибгина қолмасдан, балки таркибий ўзгаришларни амалга оширувчи субъектларнинг амалий фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли таркибий ўзгаришлар тушунчасининг моҳиятини очиб беришга қаратилган назарий қарашлар ва услубий ёндашувларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш талаб этилади.

Одатда ўзгаришлар маълум бир тизим доирасида амалга ошади. “Тизим (юн. *systeme* - қисмлардан иборат бутун) - ўзаро муносабат ва алоқада бўлган, муайян яхлитликни ҳосил қилувчи кўп қисмлар (элементлар) мажмуи” бўлиб ҳисобланади. Муайян тизим ўз тузилма ёки таркибига эга бўлиб, ундаги силжишлар, тузилмавий ёки таркибий силжишларни келтириб чиқаради. Ўз навбатида миллий иқтисодиётдаги тузилмавий силжишларни таҳлил қилиш ва

баҳолашдан олдин “тузилма” ва “тузилмавий силжиш” тушунчаларининг моҳиятини аниқлаштириш талаб этилади.

Илмий адабиёт ва манбаларда “тузилма” атамасига нисбатан турли хил ёндашувлар мавжуд бўлиб, масалан, фалсафа луғатида тузилмага “тузилма (лот. *structura* - тузилма, тузилиш жойлашиш, тартиб) - тизим унсурлари орасидаги барқарор ўзаро алоқалар бирлиги сифатида намоён бўлувчи, тизим ташкил этилишининг ички шакли ва тузилишидир” деб таъриф берилади. Шунингдек, “тузилма” тизимнинг ички тузилишини тавсифлайди ҳамда уни ташкил этувчиларнинг жойлашиш шакли ва хусусиятларини ифодалайди.

В.И.Свидерский, “тузилма - бу қонун, унсурлар ўртасидаги муносабатлар тизими” деб ҳисобласа, О.Красильниковнинг фикрича, “иқтисодиёт тузилмаси аниқ иқтисодий бутунликни ташкил қилувчи қисмлар, унсурлар муносабатлари тўпламишининг тузилишидир” деб ҳисобланади.

Кейинги йилларда “тузилма” тушунчасига нисбатан статистик ёндашувлар жуда кенг тарқалиб борди. Жумладан, бундай ёндашувлар Л.С.Казинец, К.Гатев, А.Салаи, В.Рябцев, С.В.Куришева асарларидан муҳим ўрин эгаллади. Бунинг асосий сабаби шундаки, иқтисодий ҳодисаларнинг вақт мобайнидаги ўзгаришларини таҳлил қилиш ва баҳолаш статистик таҳлилнинг энг муҳим жиҳатларидан бири эканлигидадир.

Иқтисодиёт таркибий тузилмасининг табиати барқарор эмас. Уни ташкил этувчи унсурларнинг макон ва замондаги тартиби узлуксиз ўзгариб боради, бунинг натижасида тизим хусусиятларини янги сифат даражасига олиб келувчи силжишлар ҳосил бўлади. Л.С.Казинецнинг фикрича, тўплам алоҳида унсурларини ифодаловчи улушларнинг вақт мобайнида ўзгариши, тузилманинг ўзгаришини, яъни тузилмавий силжишларни билдиради. Бундан кўринадики, “тузилма” - улушларда ифодаланган статистик тўплам бўлиб, ундаги улушларнинг замонда ўзгариши силжишларни келтириб чиқаради ҳамда улушларнинг ўзгариши тизим унсурларининг нотекис динамикаси натижасида содир бўлади.

Таркибий ўзгаришлар мураккаб, кўп киррали ва зиддиятли жараёндир. Тор маънода иқтисодиёт таркиби такрор ишлаб чиқариш тизимининг хўжалик унсурларидан ташкил топади. Бунда у энг аввало, ишлаб чиқариш, истеъмол, тақсимот ва айирбошлаш тизимида у ёки бу тармоқнинг улуши ва салмоғига мувофиқ миқдорий кўрсаткичларни тавсифлайди.

Таркибий ўзгариш назарияси иқтисодиётда муҳим ўрин тутганлиги ва иқтисодий ўсишнинг негизини ташкил этганлиги боис бу муаммога Нобель мукофоти лауреатлари Л.Кантарович, П.Самуэльсон, В.Леонтьев, С.Кузнец ва бошқалар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар.

Хусусан, 1971 йилда “иқтисодий ўсишни эмпирик асослаганлиги учун” С.Кузнецга Нобель мукофоти лойиқ кўрилди. У узоқ муддатли таркибий ҳамда саноат тармоқларида кечадиган турли туман омиллар ўзгаришларининг иқтисодий ўсиш жараёнига таъсирларини кўрсатиб берди. Кузнец эмпирик тадқиқотларининг бош хulosасини “мамлакатдаги миллий маҳсулотнинг ўсиши - иқтисодиётдаги чуқур таркибий қайта ўзgartiriшлар билан бевосита боғлиқ”

эканлиги тұғрисидаги илмий хulosса ташкил этади. Ишлаб чиқаришнинг аниқ секторларыда банд бўлганлар ва улар даромадларидаги ўзгаришлар Кузнецнинг диққат марказида бўлиб, шунинг учун ҳам у “замонавий иқтисодий ривожланишнинг бош манбаи илмий техник тараққиёт ва инновацион технологиялар” деган энг муҳим илмий хulosага келади.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни асослашда Э.Энгел қонунларининг ўрни ниҳоятда юқори бўлиб, унинг биринчи қонунига кўра, аҳоли жон бошига даромадларнинг ўсиб бориши билан, истеъмол талаби таркибидаги озиқ-овқатга қилинадиган харажатлар улуши камайиб боради. Энгелнинг иккинчи қонуни, саноат истеъмол товарлари ва қимматбаҳо буюмларга тааллуқли бўлиб, унга кўра аҳоли жон бошига бўлган даромадлар ошиб борган сари уй хўжаликларининг мазкур товарлар гурӯхига харажатларнинг улуши ҳам ортиб боришини тасдиқлади.

Энгел қонунларининг аҳамияти шундаки, у қайсиdir маънода истеъмол талаби тузилишидаги ўзгаришларни тадқиқ қилиш орқали микродаражадаги таркибий ўзгаришларнинг макродаражадаги таркибий ўзгаришларга таъсири юқори эканлигини кўрсатиб берди. Кейинчалик инглиз иқтисодчиси К.Кларк янги эмпирик маълумотлар асосида Энгел хulosаларини тасдиқлади ва у аграр соҳа улушининг камайиши бошида саноат улушининг кўпайиши ҳисобидан, сўнг саноат улушининг камайиши хизмат кўрсатиш соҳаси улушининг ўсиши ҳисобидан содир бўлаётганлигини қайд этди. Шунингдек, у хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишлаб чиқаришни ривожлантириш харажатларининг эластиклик коэффициенти ЯИМнинг ўсишига боғлиқ равища 1 дан юқори бўлишини ва бу ЯИМ ўсишига боғлиқ ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасидаги харажатлар иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги харажатларга нисбатан тез суръатлар билан ўсишини тасдиқлади.

Таркибий ўзгаришларни тадқиқ этишда А.Льюис тадқиқотлари ҳам муҳим ўрин тутади. А.Льюис модели иқтисодиётнинг аграр ва саноат секторларини ҳисобга олган ҳолда қурилади. Аграр секторда меҳнат ресурсларининг таклифи чекланмаган, меҳнат унумдорлиги жуда паст, чегаравий маҳсулот эса нолга тенг деб тахмин қилинади. Бу эса қишлоқ хўжалигидан ишчи кучининг олиниши ишлаб чиқаришни қисқаришига олиб келмаслигини англаради. Қишлоқ хўжалигидаги ишчиларнинг иш ҳақи яшаш минимуми даражасида бўлганлиги сабабли, бу ишчи кучидан саноатда фойдаланиш ҳеч қандай муаммо туғдирмайди ҳамда бу сектордаги меҳнат унумдорлиги аграр сектордагидан анча юқори деб ҳисобланади.

А.Льюис тадқиқотларининг асосини меҳнат ресурсларининг бир қисмини қишлоқ хўжалигидан саноатга қайта тақсимлаш ва бу билан иқтисодий ўсиш суръатини тезлаштиришга эришиш ғояси ташкил этади. Бу жараёнда асосий механизм бўлиб тармоқлараро бозор хизмат қиласи. Саноат ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириб, ўз ишчиларнинг даромадлари ўсишини таъминлайди, бу эса ички талабни ошишига кўмаклашади. Бунда тадбиркорлар ўсиб бораётган даромадларини ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирадилар. Бу даромадлар кейинчалик иқтисодий ўсишга динамик таъсир кўрсатади деб

ҳисобланади.

Юқоридаги илмий тадқиқотларининг мантиқий давоми сифатида кўйида республика ЯИМнинг тармоқ таркибидаги ўзгаришлар баҳоланади ва қайта ишловчи саноатнинг технологик тузилмасидаги таркибий ўзгаришларнинг ЯИМга таъсири аниқланади.

Кўп сонли эмпирик тадқиқотларнинг кўрсатишича, мамлакатдаги қайта ишловчи тармоқлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати, узоқ муддатли иқтисодий ўсиш суръатининг аргументи ҳисобланади. Мазкур гипотеза биринчи маротаба британиялик иқтисодчи Н.Калдор томонидан билдирилган бўлиб, унга кўра мамлакатдаги қайта ишловчи тармоқлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати ва иқтисодий ўсиш суръати ўртасида ижобий корреляция мавжуд.

Юқоридаги гипотетик муносабат Калдорнинг биринчи қонуни бўлиб, кейинчалик у қатор илмий тадқиқотларда “*manufacturing is the engine of growth*”, яъни “*қайта ишлаш саноати иқтисодий ўсишининг двигатели*” ибораси остида тадқиқ этила бошланди:

$$g_{GDP} = \alpha + \beta \cdot g_m + e_i, \quad \beta > 0 \quad (1)$$

бунда  $g_{GDP}$  - ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати ва  $g_m$  - қайта ишловчи тармоқлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати.

Калдор “ўсиш гипотезаси”нинг ишончли аргументларини келтирадар экан, кейинчалик аксарият тадқиқотлар унинг мазкур илмий хуросаларига таяна бошладилар. Калдор тадқиқотларининг кўрсатишича, қайта ишлаш саноати, динамик ўсуви даромадни таъминлаш ва юқори меҳнат унумдорлигини юзага келтириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини мунтазам кўпайтириш имкониятига эгалиги жиҳатидан иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан ажralиб туради.

Калдор изланишларидан фарқли равишда, тадқиқотимизда қайта ишловчи саноатнинг технологик тузилмасидаги қуи ва ўрта-юқори технологик тармоқлар базис ўсиш суръатларининг ЯИМ базис ўсиш суръатига таъсиrlари қуидаги функциялар ёрдамида тадқиқ этилади:

$$GDP = f_1(\text{low-tech}) + e_i \quad (2)$$

$$GDP = f_2(\text{medium-high-tech}) + e_i \quad (3)$$

бунда  $GDP$  - ялпи ички маҳсулотнинг базис ўсиш суръати, *low-tech* ва *medium-high-tech* мос равишда қуи ва ўрта-юқори технологияли тармоқлар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг базис ўсиш суръатлари.

Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг тармоқ тузилмасидаги таркибий ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур таркибда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 2010-2018 йиллар давомида мунтазам пасайиш характерига эга бўлиб, ушбу йиллар давомида унинг ўртача улуши 18,9 фоизни ташкил этди. Мазкур тузилмада 2010-2018 йиллар давомида саноатнинг улуши ўртача 26,1 фоизни, қурилиш 6,7 фоизни ҳамда хизматлар 48,3 фоизни ташкил этди. Иқтисодиёт тармоқларининг таркибий тузилишини ўрганиш бўйича маълумотлар ўзганилиб, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш


тармоқларининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши баҳоланди.

Таҳлилларга кўра, тадқиқот даври давомида (1995-2018) мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръати 6,23 фоизга ҳамда саноат ялпи қўшилган қийматининг ўртача йиллик ўсиш суръати эса 3,99 фоизга эга бўлди. Мазкур давр оралиғида ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати ва саноат ялпи қўшилган қийматининг йиллик ўсиш суръати ўртасидаги жуфт корреляция коэффициенти 0,824 қийматни ташкил этди (1-расм).

Омиллар ўртасидаги жуфт корреляция коэффициенти ходисаларнинг боғланиш меъёрини ўлчайди холос, лекин уларнинг сабабларини очиб бера олмайди. Бундай мақсадга регрессия коэффициенти хизмат қиласди. Олинган эмпирик таҳлилларнинг кўрсатишича, саноат ялпи қўшилган қиймати йиллик ўсиш суръатининг 1 фоизга ортиши республика ялпи ички маҳсулоти ўсиш суръатининг қўшимча равишда 0,997 фоизга ўсишини таъминлаш имкониятини беради:

$$g_{GDP} = 2.257 + \begin{matrix} 0.997 \\ (0.662) \\ [3.405] \end{matrix} g_m, \quad R^2 = 0.679, F = 44.58 \quad (4)$$

(4)-регрессия тенгламасида келтирилган айлана қавс ичидағи қийматлар мос параметрларнинг стандарт хатолигини, тўртбурчак қавс ичида келтирилган қийматлар эса, Стыюдентнинг ҳақиқий қийматларини ифода этади. Шунингдек, детерминация коэффициенти ( $R^2$ ) ва Фишернинг ҳисобланган ҳақиқий қийматлари ( $F$ ) нисбатан паст кўрсаткичларни ташкил этган бўлсада, бироқ  $\alpha = 0.05$  эҳтимоллик билан мазкур қийматлар статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлигини кўрсатади.



**1-расм. Саноат ялпи қўшилган қийматининг ўсиш суръати ва ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати ўртасидаги ўзаро боғлиқлик<sup>16</sup>**

<sup>16</sup>Тадқиқот даври 1995-2018 йиллар; (2) ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан фоизда; (3) stat.uz маълумотлари

Кейинги эмпирик тадқиқотларимиз шуни тасдиқлайдыки, қайта ишловчи саноатнинг технологик тузилмасидаги қуйи технологияли тармоқлар базис ўсиш суръатининг 1 фоизга ортиши, республика ЯИМ базис ўсиш суръатини қўшимча равища 0,86 фоизга ўсишини таъминлаш имкониятини беради:

$$GDP = 0.151 + 0.864(\text{low} - \text{tech}),$$

(0.127)	(0.048)
[1.185]	[18.110]

$$R^2 = 0.982, F = 327.98 \quad (5)$$

Қайта ишловчи саноатнинг технологик тузилмасидаги ўрта-юқори технологияли тармоқлар базис ўсиш суръатининг 1 фоизга ортиши, республика ЯИМ базис ўсиш суръатини қўшимча равища 1,115 фоизга ўсишини таъминлаш имкониятини беради:

$$GDP = -0.117 + 1.115(\text{medium} - \text{high} - \text{tech}),$$

(0.194)	(0.083)
[-0.61]	[13.37]

$$R^2 = 0.967, F = 178.75 \quad (6)$$

(5)-(6) регрессия тенгламаларида келтирилган айлана қавс ичидаги қийматлар мос параметрларнинг стандарт хатолигини, тўртбурчак қавс ичидаги келтирилган қийматлар эса, Стыодентнинг ҳақиқий қийматларини ифода этади. Шунингдек, Иккала регрессия тенгламаларидағи детерминация коэффициентлари ( $R^2$ ), Фишернинг ҳисобланган ҳақиқий қийматлари ( $F$ ) ва регрессия коэффициентлари ( $a_0$  дан ташқари)  $\alpha = 0.05$  эҳтимоллик билан статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлигини қўрсатади.

Демак, кутилганидек, қайта ишловчи саноатнинг технологик тузилмасидаги ўрта-юқори технологияли тармоқларнинг республика ЯИМга таъсири мазкур тузилмадаги қуйи технологияли тармоқларнинг ЯИМга таъсирига нисбатан юқори эканлиги ўз тасдиғини топди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Акаев А., Михайлушкин А., Сарыгулов А., Соколов В. Анализ динамики отраслевой и технологической структуры экономик стран ОЭСР. // Экономическая политика, №2. 2009, 116-с.
2. Акаева С.А., Соколов В.Н. Об отраслевых и технологических структурных сдвигах, необходимых для модернизации Российской экономики. Модернизация. Инновации. Развитие. 2016. Т. 7. № 3. С.38-48.
3. Ҳамроев Ҳ.Р. Макроиктисодиёт. Маъруза матнлари. Бухоро.2000.- 115 б.
4. Фалсафа: қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. - Т.: Шарқ, 2004. - 398 б.
5. Перстенёва Н.П. Понятия “система” и “структура” как фундаментальная основа статистических исследований. // Журнал “Экономика”. № 3. 2017- 312 с.
6. Красильников О.Ю. Структурные сдвиги в экономике современной России. - Саратов: Изд-во Научная книга, 2000. - 183 с.

---

асосида муаллифлар ҳисоб-китоблари.

7. Пиндейк Р., Рабинфельд Д. Микроэкономика. / Пер.санgl. СПб.: Питер, 2002. С. 112-113.
8. Lewis A.W. "The Dual Economy Revisited" the Manchester School, Vol. 47, No.3, pp. 211-229.
9. Kaldor, N. (1966). Causes of the Slow Rate of Economic Growth of the United Kingdom: An Inaugural Lecture. Cambridge University Press.

## **ВЛИЯНИЕ СОЦИАЛЬНО-ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ НА ЭФФЕКТИВНОЕ УПРАВЛЕНИЕ ТРУДОВЫМИ РЕСУРСАМИ**

**Нурматов Дильшадбек Набижанович**

к.э.н., доцент кафедры «Экономика»

Андижанского государственного университета

В условиях модернизации экономики одной из главных целей является достижение и ускорение экономического роста. В значительной мере это зависит от эффективного управления трудовыми ресурсами.

Проблема эффективного управления трудовыми ресурсами является очень сложной и многогранной [1]. И это совершенно правомерно, ибо эффективность управления трудовыми ресурсами имеет не только экономические, но и глубокие социальные последствия: обогащение содержательности труда и улучшение его условий, увеличение свободного времени и рациональное его использование и т.д.

Основным критерием оценки эффективного управления трудовыми ресурсами на уровне предприятий является производительность труда, которая определяется объёмом выпуска продукции за единицу времени.

По нашему мнению на изменение эффективности труда, наряду с материально-техническими, организационно-экономическими и социально-психологическими факторами непосредственное влияние оказывают социально-экологические факторы [2].

К внешним факторам влияющим на эффективность труда относятся экологическая ситуация в регионе и уровень медицинского обслуживания. Экологическая ситуация характеризуется выбросами в почву, в атмосферу и в воду.

Внутренние и внешние факторы оказывают непосредственное влияние на эффективность использования трудовых ресурсов. Однако в современных условиях развития влияние внешних факторов велико.

Ухудшение здоровья и возникновение временной нетрудоспособности работников на промышленных предприятиях, вследствие ухудшения социально-экологической ситуации приводит, по нашему мнению, к определенным экономическим последствиям, которые можно сгруппировать следующим образом [3]:

- увеличение расходов социального страхования на выплату пособий по временной нетрудоспособности при увеличении заболеваемости вследствие ухудшения окружающей среды;